

6.12. "Таъминотчи" билан "Истеъмолчи"лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа уланишини узиб қўювчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи канализация кудуги (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу кудук ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилшига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хоҳиш ихтиёрлари билан шартномани янгиланмаган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

Наманган "Сувтаъминоти" МЧЖ Уйчи туман бўлими
Манзил: Уйчи ШФЙ Беруний кучаси 20-уй
Тел: 69 48-21-814 Факс: 69 48-20-031
Хўр: 22638000100306912374
Банк: Наманган шаҳар Ипотека банки
МФО: 00223 СТИР: 200 048 456
ХХТУТ: 90213


Раҳбар _____ О.Мамасайитов
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо)
« 202 » й.



«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Уйчи туман Маданият бўлими
Манзил Уйчи туман А.Темур ақуча 30 уй
Тел: 69-4821749, факс _____
ғаз/х-р 23402000300100001010
Банк Б.Б Тошкент ш хккм _____
Банк коди 00014 СТИР 201122919 _____
ХХТУТ _____
Шахсий рақам 100022860142297082310056001
Шахсий х-р _____
Банк МБ Тошкент ш хккм _____
Банк коди 00014 СТИР 200099544 _____
Раҳбар _____ Э.Джанбекова
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо)
« 19 » январ 2022 й.

